

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
21 ноябрь
ЧОРШАНБА

№ 93 (13146)

www.thtp.uz

Туризм: Салоҳият, имконият, истиқбол

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга бағишланган биринчи халқаро форум очилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш ва Инвестициялар бўйича давлат қўмиталари, қатор вазирликлар ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Халқаро форум



Форумда дунёнинг 48 мамлакатидан 300 дан зиёд иштирокчи, шунингдек, халқаро ташилотлар, йирик хорижий компаниялар вакиллари қатнашмоқда. Мазкур форум халқаро ишбилармонларни юртимизда туризм соҳасидаги имкониятлар билан яқиндан таништириш ва сармоядорларга қулай бизнес шароити яратиш учун яхши имкониятдир.

Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатимиз ўзининг бетакрор тарихий обидалари, урф-одат ва бой анъаналари билан ажралиб туради. Жорий йилнинг ўн ойи мобайнида юртимизга 4,4 миллиондан ортиқ сайёҳлар ташриф буюришди. Бу ўтган йиллардагидан анча кўп. Йил охиригача эса сайёҳлар сони 5 миллионга етиши кутилмоқда.

Форум қатнашчиларини мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги 500 дан зиёд инвестиция лойиҳа-

лари, жумладан, "Чорвоқ" эркин туристик зонаси, Бўстонлиқнинг тоғли ҳудудидаги "Amirsoy Mountain" номли замонавий тоғ чангиси курорти жуда қизиқтириб қўйди.

Шунингдек, форум доирасида Тошкент вилояти учун ҳам алоҳида павильондан жой ажратилди. У ерда халқ амалий санъати намуналари ва ҳунармандларнинг қўл меҳнатлари билан яратилган маҳсулотлар кўргазмага қўйилди. Бундан ташқари, вилоятимиздаги Зангиота, Шоабдумалик ота ва Шоҳруҳия зиёратгоҳларига саёҳатлар уюштириш бўйича стендлар ҳам иштирокчиларга тақдим этилди.

Мухтасар айтганда, форум натижалари бўйича хорижий инвесторлар билан қатор соҳаларда ҳамкорлик битимлари имзоланиши кутилмоқда.

К. САЛОМОВА
Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат

Қомусимиз — бахтимиз

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 18-модда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, қонун олдида барчанинг тенглиги, инсон ислохот учун эмас, балки ислохот инсон учун хизмат қилиши, қучли ижтимоий муҳофаза сиёсатини юритиб, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби қатор муҳим таъминловчи Конституциямизда белгилаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Бош қомусимизнинг асосий тамойили бўлиб, унинг иккинчи бўлими айнан шу муҳим масалага бағишланган. Унда фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари алоҳида моддаларда баён қилинган.

Ортимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганини нафақат халқимиз, балки бутун дунё ҳамжамияти тан олаётир. Халқаро ижтимоий институтлар томонидан мамлакатимиз МДХ ҳамда Марказий Осиё давлатлари орасида энг бахтли фуқаролар яшаётган давлат, деб эътироф этилиши ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларимизга берилган юксак баҳодир.

Наргиза ҲАСАНОВА,
Халқ депутатлари вилоят
Кенгаши депутати

ЭЪТИҚОДНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайд.

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси, 31-модда.

Диний маърифатнинг умуминсоний маданиятда тутган ўрни беқиёсдир. Мамлакатимизнинг Бош қомусида мустаҳкамлаб қўйилган виждон эркинлиги ҳар бир фуқарога динга эътиқод қилиш ёки бирорта динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини кафолатлайди. Исломи динининг муқаддас китоби — Қуръону Каримнинг "Бақара" сурасида ҳам "Динда мажбурлаш йўқдир", дея марҳамат қилинади. Унга кўра, дин ва эътиқод қаноат ва розилик билан қабул қилиниши лозим.

Исломи дини ёшларни турли гайриахлоқий ва бузғунчи гоялар, салбий одатлар, "оммавий маданият" ҳуружларидан ҳимоя қилувчи юксак маънавият ва маърифат асосида тарбиялашнинг муҳим воситаси эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Юртимизда ислом арконларини тўлиқ бажариш учун кенг имконият ва шароитлар яратилган. Диний китобларнинг нашр этилишида ҳеч қандай монеликлар йўқ. Ибодат қилувчилар учун масжидларда барча шароитлар етарли.

Давоми 2-бетда

Бизнинг суҳбат

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт воситида соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, спортчиларимизнинг нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиши ва Ватанимиз шухратини жаҳонга кенг ёйишида муҳим омил бўлмоқда.

МАРРАНИ БАЛАНД ОЛАЁТГАН АВЛОД

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15 февралдаги "Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда мамлакатимизда спортни ривожлантиришга оид қатор қарорлари ушбу соҳа ривожига янги даврни бошлаб берди. Бугун Ўзбекистон том маънода спортни ривожлантирган мамлакатга айланган. Пировардида, спортчиларимиз жаҳоннинг нуфузли мусобақаларида юксак марраларни қўлга киритиб, юртимиз доғруғини бутун дунёга намоён этмоқдалар.

Мухбиримизнинг вилоят Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Ўткирбек Абдуллаев билан суҳбати ҳам вилоятда соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ва эришилётган ютуқлар ҳусусида бўлди.

— Ўткир Раҳмонбердиевич, ҳар қандай ҳудудда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш учун, аввало, мустаҳкам замин, яъни замонавий спорт иншоотлари бўлиши керак. Бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтсангиз.

— Албатта, ҳар қандай соҳадаги муваффақиятга ўз ўзидан эришилмайди. Айтиш мумкинки, бугунги кунда спорт ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Шунга мувофиқ, олдимизда турган энг асосий вазифалардан бири, бу — аҳоли ўртасида спортни янада оммалаштириш, уларни жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга жалб этишдир.

Давоми 3-бетда

МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЮРТ ТАЯНЧИ

мавзудаги вилоят семинари танқидий-таҳлилий руҳда ўтди

Оила — ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, бетакрор тарбия қўرғонидир. Халқнинг, миллатнинг келажаги айнан оила билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, ҳар бир инсон оилада туғилади ва вояга етади. Болаларимиз қандай инсон бўлиб камол топишида унинг ўрни беқиёс. Шу боис, оилаларимизни кўз қорачигимиздек асрашимиз лозим.



Вилоят ҳокимлигида ташкил этилган тадбир оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ажримларнинг олдини олиш ва маҳаллалардаги комиссиялар ишини жонлантириш

ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланди.

Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Зулайхо Маҳмадова, вилоят хотин-қизлар қўмитаси

раиси Озода Парпибоева ҳамда Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди, Адлия, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, вилоят имом-хатиби ва бош отинийси ҳамда шаҳар, туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, ФХДБ бўлими мудири, психолог мутахассислар иштирок этишди.

Семинарда сўз олганлар оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида, энг аввало, ёшларни турмушга тайёрлаш масалаларига эътиборни қучатириш, уларни ҳаётда учрайдиган турли тўсиқлардан асраш учун зарур маслаҳат ҳамда йўл-йўриқлар бериш мақсадида ҳамкор ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш зарурлигини таъкидлашди.

Давоми 2-бетда

Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар

Бир мурожаат изидан...

Чинозликлар илтижоси:

ТОЗА ҲАВО ВА СУВ КЕРАК

Чинозда болалар кўп қаватли уйлар канализация тармоғидан ариққа очикдан-очик оқизиб қўйилган оқова сувларда ўйнаб, қўл ювиш ва ҳатто ичиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Бу ҳақда Чиноз тумани фуқаролари томонидан канализация тармоғи ва тоза ичимлик суви муаммоси зикр этилиб йўлланган мурожаатни ўрганиш жараёнида "Янгиобод" маҳалласи аҳолиси маълум қилди.

Бадбўй ҳидга кўникдик, аммо...

Эски Тошкент йўли бўйлаб Чиноз шаҳрига қираверишда йўлнинг ўнг томонида "Ёшлик", чап томонида "Янгиобод" маҳалласи жойлашган. Ушбу маҳаллаларда жами 3 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Маҳаллий одамлар тилида "1-микрорайон", деб аталувчи "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 17 та кўп

қаватли уй мавжуд. Уйларнинг канализация тармоғи тортилганига ярим аср бўлган ва ўтган вақт мобайнида қувурлар эскирган. Муаммо шундаки, тармоқ бутунлай яроқсиз ҳолга келгач, оқова сув шунчаки ариққа чиқарилиб, бир мунча пастликда жойлашган "Янгиобод" маҳалласи бўйлаб оқизилган. Оқибатда оқова сувдан таралаётган бадбўй ҳид ҳар икки маҳалла аҳлини безовта қилмоқда.

— Икки қам саксондаман, умримнинг 60 йили мана шу ҳовлида ўтди, — дейди "Янгиобод" маҳалласи, 21-уйда яшовчи Насиба ая Холмуродова. — 20 йиллар бўлди чоғи, уйимизнинг шундоққина ёни ва олд томонидан оқова сув оқиб ўтади. Биз-ку, унинг бадбўй ҳидига кўникиб қолдик, аммо шу са-

бабли пайдо бўлаётган муаммолар оғирлик қилапти. Масалан, маҳалламизга меҳмонлар қадами камайди. Таксичилар ҳам ё кўча бошида ёки охирида тўхташади. Булар-ку майли-я, оқованинг тоза ҳавога, у орқали соғлиғимизга етказаятган зарарига чидаб бўлмайди.

Аҳолининг айтишича, чамаси 2-3 йиллар олдин маҳаллада канализация тармоғи учун чуқур қазилиб, қувурлар олиб келинган. Афсуски, ушбу хайрли иш бошланар-бошланмас тўхтатилиб, чуқурлар қўмилган ва қувурлар олиб кетилган.

— Уша пайтдаги хурсандчилигимизнинг чек-чегараси йўқ эди, — дейди 22-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Саодат Эшмуродова. — Ноқулай шароит, қўланса ҳид, болалардан хавотир олиш — буларнинг барчаси бир муддат унут бўлиб, ҳамма қатори тоза ҳаводан нафас олиш ҳақида ўйлай бошлагандик. Афсус, орзуларимиз ҳаёллигича қолиб кетди. Ҳаёт эса давом этмоқда.

Давоми 2-бетда

Юзма-юз

ЖИНОЯТЧИЛИККА МУРОСАСИЗЛИК

борасида очик мулоқот ўтказилди

Ўрта Чирчиқ тумани "Йўнғичқали" маҳалласида жойлашган агросаноат касб-ҳунар коллежиде жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича вилоят ва туман судлари раислари ҳамда маҳалла вакиллари, жамоатчилик фаоллари иштирокида очик мулоқот бўлиб ўтди.

3

2019

йил учун



газетасига

обуна

давом этмоқда!

Фамхўрлик

Оҳангарон шахри марказида анчадан буён қаровсиз қолиб кетган кўп қаватли уй бор эди. Қурилиш ишлари якунланмаган, эшик, деразалар ўрнатилмаган, пардозлаш ишлари бажарилмаган. Бу иморат мўъжаз шаҳарнинг жамолини юздаги доғдек бузиб турарди.



Оҳангарон тумани ва шаҳри ҳокимлиги қўлни қўлга бериб, мана шу уйнинг қурилиши якунига етказишди — савобталаб тадбиркорлар, маҳаллий аҳоли сафга қўшилди, асосий маблағ маҳаллий

ларда муносиб ҳимоя қилган яна икки нафар инсон ҳам уй-жой бериладиган бахтли фуқаролар рўйхатида қўшилди. Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ташаббусни қўлга олиб, жараёнинг бо-

МЕҲР-ОҚИБАТ ТАНТАНАСИ

Оҳангаронда 28 нафар эҳтиёжманд оилага уй берилди

бюджетнинг ортириб бажарилган қисмидан қоланди.

Бу орада туман ва шаҳар жамоатчилик назорати кенгаши аъзолари уй-жойга муҳтож аҳоли вакиллари вакилларининг шароитини чуқур ўрганишди. Алаҳусус, вазиятдан келиб чиқиб, рўйхат шакллантирилди. Бундай лойиҳалар ҳали кўп бўлишини, эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш ишлари давомли тадбирлар эканини инобатда олиб, дастлабки босқичда, айна пайтда уйга энг муҳтож бўлганлар саралаб олинди. Шунингдек, жорий йилда виллоятимиз нуфузини турли мусобақа ва беллашув-



шидан охиригача ишбоши бўлишди. Пудратчи ташкилот ва молиялаштириш манба-

сидан тортиб, уй ажратиш жараёни ўта шаффоф бўлишини шахсан виллоят ҳокими-

нинг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпирова назорат қилиб борди.

Қўпчилик орзиқиб кутган кун келди. 18 ноябрь. Бир пайтлар қаровсиз қолиб кетган, дайди итларга, ичкиликка ружу қўйган қимсаларга бошпана бўлган даражага тушиб қолган уй ўша кунни янгитдан чирой очди. Чоратроф гулларга бурканган, меҳр ва муруват тантанасини кўришга келганларнинг оқими узилмайд.

Бу хабарни эшитиб, тоғу тошларда сурув ўлатиб юрган савобталаб чорвадор-

нинг ҳам ҳиммати жўш урди — қадимий таомилга кўра, жонлиқ сўйилиб, элга ош тарқатилди.

Ана, ҳозиргина янги уйнинг қалити ва сертификатини олган Амирхон Йўлдошев туман ҳокими билан суҳбатлашяпти. Иккиси ҳам хурсанд.

— Энди гап бундай Амирхон, — дейди туман ҳокими Ўктам Турсунов. — Менга қачон уй берасиз, деб анча бошимни қотирдинг. Мана, вақти-соати етган экан, уйлик бўлдинг, жигарим. Энди, мен сени тинч қўймайман. Қачон уйланасан, тўй қаерда бўлади, келинни қаердан оламиз, деган саволлар билан ҳар кун телефон қилиб турман, хўпми?!

Беозор кулгу кўтарилди. Амирхон ҳокимнинг қўлини маҳкам сиқиб, бу ишни унча-м кўпга чўзмасликка ваъда берди. Улар худди ота ва ўғилга ўхшаб, чин дилдан ҳазил-хузул қилиб суҳбатлашяпти.

Ҳаётнинг мана шундай серзавқ лаҳзаларини кўрганда, оқибат тантана қилганда, ҳазрати инсон шарафланганда беихтиёр: "Омон бўл, азиз давлатим! Каттаю кичигини, соғу дардмандини, оқу қорасини бирдек қафтида тутганлар кўп яшасинлар!.." дегин келади...

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
Нозимбек ИСМОИЛОВ
(суратлар),
"Тошкент ҳақиқати"
мухбирлари

Давра суҳбати

Сўнгги йилларда тараққиёт йўлига жиддий тўсиқ бўлиб, жамият ривожига, соҳалар юксалишига бевоқиф таҳдид солаётган асосий иллатлардан бири — коррупцияга қарши курашиш чораларини қўйиш, уни тағ-томими билан йўқотиш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Чирчиқ давлат педагогика институтига бўлиб ўтган "Коррупцияга қарши кураш — жамият ва давлат хавфсизлигининг гарови ва унинг олдини олишга оид қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш" мавзусидаги давра суҳбатига Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва виллоят минтақавий вакилиги эксперт кенгаши ҳамда Сенат аъзолари, Республика Бош прокуратураси, виллоят ҳокимлиги, виллоят хотин-қизлар қўмитаси, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, ички ишлар ҳамда адлия бошқармаси, шунингдек, профессор-ўқитувчилар иштирок эттишти.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар коррупциянинг олдини олишга оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тўғрисида баъзилар тўхталдилар. Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада олий ўқув даргоҳларининг ҳам ўзига хос ўрни борлиги, иллатни бартараф этишда ҳар биримиз масъул эканлигимиз ҳақида айтиб ўтилди ва бир нечта амалий тавсиялар берилди. Бундан ташқари, ижтимоий соҳаларда бу иллатга қарши курашиш бораида олиб борилган ишлар сарҳисоб қилиниб, мавзуга оид видеоролик намойиш этилди.

Семинар сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Эрали НОБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

ФАРОВОНЛИК УЧУН САРМОЯЛАР

Миллий матбуот марказида "Ўзмилийбанк" томонидан аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш бораида белгиланган чора-тадбирлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Миллий матбуот марказида

Мутасаддиларнинг таъкидлашлари-ча, мамлакатимизда 2018 йилнинг Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўлай, тезкор ва самарали молиялаштириш тизимларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига оид инвестицион ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг ўтган ўн охирида давомда банк

томонидан 4,2 триллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Йил якунигача ушбу йўналишдаги кредит миқдори 4,7 триллион сўмга етказилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ўтган даврда банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион гоёларини молиялаштириш, замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар ва техникаларни харид қилиш ҳисобидан янги ишлаб чиқаришларини йўлга қўйиш учун 137 та лойиҳага 125,4

миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди. Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги "Yoshlar — kelajagimiz" давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида 660 та лойиҳага 97,7 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

Шуни айтиш керакки, банк бўлим ва филиаллари аҳолининг моддий шароитларини тўбдан яхшилаш, уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган дастурларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўз мухбиримиз

Доим болалардан хавотир-дамиз. Минг тушунтирсанг ҳам бола-да, кўзингни пана қилиб оқова сувда ўйнайди, қўл ювади ва ҳатто ичади. Оқибати эса маълум — касал бўлади.

"Янгибод"дан кейинги манзил сари йўл олар эканмиз, оқова сув тўлиб оқётган ариқ бўйлаб ўйнаб келаётган ўқувчиларга дуч келдик. Саодат опанинг юқоридаги гапи эсга тушиб, ўқувчиларни оқова сувда ўйнамасликка чақириш мақсадида тўхтадик. Афсуски, бир оз кеч қолдик. Ўзини 1-синф ўқувчиси Жаҳонгир, деб таништирган бола етиб борганимизга қадар оқова сувга қўл ювишга улгурди. Хайрият, қўлини ювди, холос...

— Шаҳар маҳаллаларидаги канализация тармоғи фойдаланиб бўлмайдиган даражада

да истиқомат қилувчи фуқаро Зулхумор Ортиқова. — Улардан қочиб, қўтулиб бўлмайди. Кўчага чиқсангиз ҳам, уйга кирсангиз ҳам "талайди". Биз катталар-ку майли-я, болаларга қийин. Шундоқина рўпарамизда 7-умуталим мактаби жойлашган. Бунинг устига бадбўй ариқдан 10-15 метр нарида янги боғча қурилмоқда.

Дард устига чипқонми?

Туманнинг "Ёввош" маҳалласи аҳолиси ҳам қўланса хиддан азият чекмоқда. Бу ердангиларни "Ёшлик", "Янгибод" ва "Гулзоро" маҳаллалари

лагача етиб бориб, одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда. — Бу масала юзасидан жуда кўп ташкилот ва идораларга мурожаат қилдик, — дейди оқсоқол К. Эргашев. — Лекин, муаммо муаммолигича қолиб кетмоқда. Туман табиати муҳофаза қилиш инспекциясига бориб, "Нега қорхона қурилишига рухсат берасизлар, маҳалламизгача 1 километр чикмайдик", десам, қишлоқдан қорхонагача бўлган айланма йўл орқали қарийб ўша масофани қиқариб беришди. Ахир, бадбўй хиднинг маълум йўли бўлмаса, инспекциядагиларнинг гапини тушунмасан? Дала орқали тўғри ўтиб келавера-

моқда. Маълумотларга кўра, ичимлик суви қувурлари ўрнатилганига ҳам 50 йил бўлган. Бу муддат ичида улар эскириб, жуда кўп ёриқлар пайдо бўлган. Табиийки, мазкур ёриқлардан қувур ичига тупроқ ва ичимлик суви сифатига таъсир кўрсатувчи бошқа нарсалар кириб қолган.

— Суви ўчириб ёқишганида босим ҳисобига лойка ва ҳатто баъзан сувга қўшилиб чувалчанглар ҳам оқиб келади, — дейди "Хўжа" маҳалласи фаоли Икром Тошматов. — 2 йилча бурун сувимизнинг сифатини текширтирдик. Туман СЭСдагилар уни истеъмолга мутлақо яроқсиз, деб топиш-

бўлган талабини тўлиқ қаноатлантириш имконини беради. Шунингдек, "Деҳқонбод" маҳалласида 4 минг 400 метр, "Дўстлик" маҳалласида 6 минг 700 метр, "Бунёдкор" маҳалласида 4 минг 600 метр, "Бешкапа"да 2 минг 400 метр, "Богбон"да 2 минг 800 метр, "Истиклол"да 4 минг 100 метр, "Маданият" маҳалласида 120 метр сув тармоғи тортилиб, бир қанча сув миноралари таъмирланган.

— Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бораида сўнгги йилларда кенг қўлланма ишлар бажарилди, — дейди туман "Сувоқова" ДУК раҳбари Нодиржон Қудратов.

Уммон Розияллоху анху-дан ривоят қилинади, Расулulloх (с.а.в.)нинг шундай деганларини эшитдим: "Ким Аллоҳ учун бир масжид қурса, Аллоҳ унинг учун жаннатда бир уй бино қилади" (Бухорий ва Муслим ривояти).

Хаж исломнинг беш рукнидан биридир ва умр мобайнида бир марта адо этиладиган фарздир. Фарзлиги Куръони Карим билан собит.

Илгарилари Хаж ва Умра зиёратларига борганлар бармоқ билан санарли даражада кам бўлган. Эндиликда эса ҳар йили минглаб юртдошларимиз муқаддас Хаж ва Умра амалларини бажариш бахтига мушарраф бўлмоқдалар. Жорий йилда 700 нафар виллоятдошимиз Умра, 500 нафари Хаж зиёратини амалга оширдилар.

Мамлакатимизда диний қарашларни ҳеч кимга мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Конституция-мизда муҳрлаб қўйилгани-дек, ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади.

Нуралӣ МАВЛОНОВ,
виллоят бош имом-хатиби
ўринбосари

ЭЪТИҚОДНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Бир эслайлик, мустақилликдан аввалги даврларни — масжидларнинг аҳоли, беркиниб намоз ўқишлар... Истиқлолдан олдин виллоятимизда бор-йўғи 37 та масжид бўлган эди. Бугунги кунда эса жоме масжидларимиз сони 223 тага етди. Президентимизнинг виллоятимизга қилган ташрифлари чоғида берган кўрсатмаларига асосан, 29 та жоме масжидларида қайта реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

Уммон Розияллоху анху-дан ривоят қилинади, Расулulloх (с.а.в.)нинг шундай деганларини эшитдим: "Ким Аллоҳ учун бир масжид қурса, Аллоҳ унинг учун жаннатда бир уй бино қилади" (Бухорий ва Муслим ривояти).

Хаж исломнинг беш рукнидан биридир ва умр мобайнида бир марта адо этиладиган фарздир. Фарзлиги Куръони Карим билан собит.

Илгарилари Хаж ва Умра зиёратларига борганлар бармоқ билан санарли даражада кам бўлган. Эндиликда эса ҳар йили минглаб юртдошларимиз муқаддас Хаж ва Умра амалларини бажариш бахтига мушарраф бўлмоқдалар. Жорий йилда 700 нафар виллоятдошимиз Умра, 500 нафари Хаж зиёратини амалга оширдилар.

Мамлакатимизда диний қарашларни ҳеч кимга мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Конституция-мизда муҳрлаб қўйилгани-дек, ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади.

Нуралӣ МАВЛОНОВ,
виллоят бош имом-хатиби
ўринбосари

Бошланғич 1-бета

Нурафшондаги 12-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбари Валерия Мардиева номига Москвадан навбатдаги халқаро танловга таклифнома келди. Россия Федерацияси пойтахтида бўлиб ўтадиган

"Москва юлдузлари" халқаро танловида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан энг истеъдодли ёшлар иштирок этадилар. Бундай нуфузли халқаро танловда иштирок этиш учун ҳамма ҳам қорлаб қақирлавермайди.

Офарин!

Москвадан хат келди



Мазкур мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари эса, мана қатор йиллардирки, шу сингари кўплаб халқаро танловларда эришган муваффақиятлари боис шундай эътибор ва эҳтиромга сазовор бўлиб келишмоқда. Улар Санкт-Петербург, Юрмала, Сочи, Париж каби дунёнинг машҳур шаҳарларида бўлиб ўтган

халқаро танловлар ва фестивалларда голиб чиқиб, бош совринга сазовор бўлганларини кўпчилик яхши билади.

Жорий йил ҳам улар учун ютуқларга бой бўлди. Хусусан, "Петербургская весна" XV халқаро фестивалида иштирок этган Самандар Каримбердиев қашқар рубобида, Севинч Аҳмадалиева ҳамда Умида Аҳмадалиева "Ракс санъати" номинациясида голиб бўлиб, биринчи даражали лауреатлик дипломи билан тақдирландилар.

Шунингдек, май ойида Россия Федерациясининг Қозон шаҳрида бўлиб ўтган болалар ва ўсмирлар халқаро танлов фестивалида Бехзод Абдурахмонов "Чолғулар жанри" номинациясида биринчи даражали лауреатлик дипломи билан тақдирланган бўлса, Самандар Каримбердиев шу номинация бўйича "Гран при"га муносиб кўрилди.

Ҳа, нурафшонлик ёшлар ўзбек мусиқаси ва санъатини дунёга таратмоқдалар. Айти кунларда мактабнинг моҳир рубобчилари Нуриддин Азизов ҳамда Шохрух Муҳаммаджонов 2019 йилнинг 4-9 январь кунлари Москвада бўлиб ўтадиган навбатдаги халқаро танлов-фестивалга устозлари раҳбарлигида қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Масмуржон БОЗОРАЛИЕВ

СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Дўстлик ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Қибрай тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабида вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ташаббуси билан "Биз соғлом турмуш тарafdоримиз" шiori остида спорт фестивали бўлиб ўтди. Унда вилоятимиз туман ва шаҳарларининг жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари мутасаддилари, спорт мактаблари раҳбарлари ҳамда ходимлар қатнашишди.

Фестиваль доирасида мини футбол, стол тенниси, енгил атлетика каби спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Тадбирни вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Ўткир Абдуллаев кириш сўзи билан очиб берди. У бугунги кунда мамлакатимизда Юртбошимиз томонидан спортга қаратилаётган эътибор ва вилоятимиз спортчилари эришяётган ютуқлар ҳақида алоҳида тўхталиб, барча қатнашчиларга омад тилади.



Тадбирда қатнашчилар дастлаб бадантарбия машқларини бажаришди. Сўнгра гуруҳларга бўлиниб, мини-футбол бўйича беллашдилар. Учрашувлар қизиқарли ўтди, ҳар бир жамоа голиблик учун жиддий курашди.

Мусобақа якунига кўра, Янгийўл шаҳри, Янгийўл, Тошкент ва Зангиота туманларининг спорт мураббийларидан ташкил топган жамоа голибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Чирчиқ шаҳри, Бўстонлик, Паркент ва Юқори Чирчиқ туманлари вакиллари

рига, учинчи поғона эса, Охангарон тумани ҳамда Олмалик, Ангрен ва Охангарон шаҳарлари вакилларида таркиб топган жамоага насиб қилди. Енгил атлетика мусобақаларида эркаклар ўртасида нурафшонлик Дониёр Султонов, аёллар орасида эса, Юқори чирчиқлик Зулфия Аъзамова рақиблари орасида тенгсиз деб топилди.

Мазкур тадбир Президентимизнинг "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-

Зухриддин ҚАМБАРОВ

Дилдаги гаплар

Баъзида, эҳтимол жуда камдан-кам ҳолларда оддий бир инсон ҳам қўлига қалам олиб, шарҳи дил қилгиси, кўнглида йиғилиб қолган ўйларини ўртоқлашгиси келади. Ич-ичиндан ёзганларининг кимдир ўқишини истайсан. Кўпинча, айнан дилингни оғритган, сени таъсирлантирган, қалбингни жароҳатлаган одамларга қарата сўзлагинг келади. Аммо, керакли фикрларни айтишга тараддулланг, вазиятни мулоҳаза қилгунингча воқелик анча олдинга кетиб қолади... Хуллас, демоқчиманки, мақола ёзиб юриш одадим йўқ. Аммо, ҳозир...

Нима демоқчи бўлаётганимни дангал айтмай – ахримлар, етим тақдирлар, бўлингдан ёстиқлар ҳақида сўзламақчиман. Бу шарафсиз ишларнинг аксарияти кўз ўнгимда, кундалик ҳаётимда содир бўлаётгани учунми, гоҳида: "Нима қила-япсан, эй одамзот?", дея ҳайқирган келади.

Дунёнинг ишлари ажаб-да – ўтган кун идорамизга истаралигина жувон ёнида кўркам бир йиғит билан кириб келди. Қанийди, уларни кўрсамсан, эшитмасам, умуман, бу масала уларнинг ўртасида бўлмасан... Масала – ахрим. Эр-хотин никоҳ бекор қилингани

тўғрисидаги гувоҳномани олиб кетиш учун келишган.

Биламан, ташқарида яна кимдир бор. Ўша кимса бу ахримнинг сабабчиси, ижод-



кори. Ташқарида чиқиб, ўша инсоннинг башарасига аччиқ-аччиқ гапларини айтиб олсан, узиб-узиб гапирсан, дейман. Аммо, андиша қиламан. Нимадир кўксимдан итариб, ташқарида чиқишимга йўл бермаётгандек туюлади. Балки, бу ўзимни тинчлантиришим учун топган бир баҳонамдир. Умуман, гап бунда эмас-ку ҳозир... Ҳаёлларимни тартибга келтириб, яна хонамга қайтаман. Йиғит ва жувон – улар... ҳозирча эр-хотин. Аслида шундайли-

ғини тасдиқлайдиган ҳужжат қўлимда йўқлиққа сингиб кетди ҳозир. Хизмат тақозоси билан бир оиланинг барбод бўлганини ўз қўлларим билан семиз хатжидга қайд этишим керак. Аммо, ташқаридаги кимдир

"Эй, сен – ташқаридаги одам, мана, ниятингга ҳам етдинг, улар энди бир оила эмас", дейман ҳужжатларига титраб-қақшаб имзо чекаётиб, асабийлашаётганимни сезди-маслик учун...



– у ҳадик ва хавотир билан деразадан мўралаётгандир, шу қисқа вақтда икки ёш яна тил топишиб олишидан чўчиб, кўрқибми, хавотирда тургандир.

Қизиқ, айнан ҳозир, таассуротимни қозғога тушириш асносида ўйлангил қолдим. Бояги аёлни ким деб ёзмаган энди? Жувонми, бевами, эр-

Одамлар, кўраясизми? Охангарон кўчалари бўйлаб аёл шаклидаги бир йиғи кетиб бораёпти. У ҳозиргина порлаб турган чўлпон кўзларидан нурни йўқотди. У энди бу дунёнинг энг жирканч ва пана-пасткам кўчалари томон кетиб бораёпти. У хато йўлга тушиб қолганини, бу илонизи йўлларда қанча кезса ҳам йўқотганини тополмаслигини тушунарманми?.. Мен буни биламан, сезаман, аммо буни ўзига айтишга журъатим етмайди.

Бу ҳақиқатни яна бир киши билади. Аслида, аввалбошдаёқ билган. У одам ташқарида турибди. Ҳозиргина расман бир-бирига бегона бўлган икки ёшнинг бири ўша билан кетади. Ташқаридаги одам шунини кутиб турибди.

У хурсанд. Ҳозирча хурсанд...

сиз аёлми, боши очик аёлми... Энди унга ҳамма сифат ярашади...

Энди унга ҳеч бир сифат ярашмайди...

У ўз тақдирига битилган энг қимматбаҳо бойлигидан мосуво бўлди. Аламлар тўлган кўзларидан қулгичлар ўйнайди, изтироб ва тўғён оғриқли қулгиларга айланди. Қулиб туриб йиғлаган инсонни кўрганмисиз? Мен кўп кўраман. Бу дунё паст кетганда, аёл зоти шундай қилади...

Холбуки, унинг қалби айна шу дамларда титроққа тушиб: "Қайт, эй ҳожа, қалбим, ҳаётим, ўй-хаёлларим, тақдирим кўлларингда, мени, болангни хору зор ташлаб кетма, ёлвораман", дея чўгдек ёниб турган бўлади. Бу лаҳзаларда унга яқинлашиб бўлмайди – нақ қуяси. Шунчаки, ачиниб оҳангиди қарашдан тийилиш керак, кўзларни олиб қочган маъқул. Акс ҳолда кечирмайди, қалбининг туб-тубидан оғринади...

Севара ДЕҲҚОНОВА, Охангарон тумани ФХД бўлими мудираси

Бахтини Бекободда топган шоир

Ижод кишиси – кўнгил одами. Аммо бу кўнгил бир оз нозиктаб, бир оз ўжар, яна айтиш мумкинки, ҳам зийрак, ҳам уйғоқ бўлади. Чунки шоир одам оламга тийрак назар билан боқади. Ўзга дилларни туйғулар товланиши, муҳаббат оташи, меҳр чашмаси ила забт этади.



Қутлов

Тошкент вилоятида яшаб, ижод қилаётган ижодкорлар сафида Бекобод туманида туғилиб камол топган Нурали Жалилнинг ўз ўрни, ўз қадр бор. Энг муҳими, Нурали зиммасидаги масъулиятни ҳис қилади. Яна дарёдил, завқли, андишали ижодкор. Эътиборга сазовор жиҳати талай йиллардан бери Бекобод тумани ва шаҳридаги ижодкор ёшларнинг бошини қовуштириб, ёш қаламқашларнинг "Илҳом клуби" тўғрагини бошқариб келмоқда. Қарийб олти йилдан буён тўғарак аъзоларининг ижод намуналари жамланган "Сир бўйи илҳомлари" номли тўплами нашр этилапти. Нурали Жалилнинг "Яшасин севги", "Гавҳарим" шеърӣ тўпламлари ва "Истиқлол" достони чоп этилган. Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Бу фаол ижодкоримиз ўзи айтмоқчи халқи, китобхонлари олдида ҳаммаши имтиҳонда:

Сенга онажоним, ҳурматим, шаъним, Садақ илҳомларим, садақ жонимдир. Неки ёзган шеърим, битган достоним Сенинг олдиндаги имтиҳонимдир.

Қутлуг ёшини қаршилаётган оташқалб ижодкорнинг янги туркумини "Тошкент ҳақиқати" ўқувчиларига тақдим этарканмиз, шоиримизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, ижодий зафарлар тилаймиз.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

Қумсоат

Назар сол, қуригач, қулади даракт, Урнига ёш ниҳол экилаётир. Қумсоат ичида ўтиб бораёт вақт, Вақтимиз шувиллаб тўкилаётир.

Қумсоатни қўйиб, ҳаётни кузат, Неча бор тўнкариб айлантирасан. Руҳинг, вужудингни аямай фақат, Шу қаттиқ мақомга шайлантирасан.

Умримиз ганимат – қадрла уни, Бу оддий ҳикматни англаб етгайсан. Умрингни санови тугаган кун, Қумсоат кумига сингиб кетгайсан.

Вақт азал шоштира инсон зотини, Биз унинг олдида турамиз қойим. Чунки умримизнинг қумсоатини Қайтадан тўнкариб қўймас Худойим.

Акс садо

Ўтар йиллар нишобга қараб, Кечар асрим йилларни тараб, Кўнглида бу не қийноқ, ё Раб? – Армон, – дея келди акс-садо

Нечун қалбда ҳаловат йўқдир, Кўзлар очик, юраклар сўқир, Қуйдирган не оловдир, чўғдир? – Виждон, – дея келди акс-садо.

Қўпайса гар ёлғону риё, Ношулар пир саналса гўё, Овоз бер, не бўлади дунё? – Вайрон, – дея келди акс-садо.

Излаганим

Ҳамма бахт қидира, Қидиради ганж, Жонсарақ умрини дардга едириб. Мен эса оворам, қалбим тўла ранж, Юрагинг қалитин юрдим қидириб. Дунёда йўллар кўп, сўқмоқлар, доvon, Ҳамма кетиб бораёт ким шод, ким бўзлаб Мен эса кўчангдан ўтдим саргардон. Юрагингга борар бир йўлни излаб. Ва келдим, Турибман ижозат сўраб. Балким, эслолмасан мени, ҳойнаҳой Ҳеч йўқ деразангни очиб бир қара, Севгим юрагингдан сўраб турар жой.

Нурали ЖАЛИЛ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



ЎКТАМ ЁШЛАР ШИЖОАТИ

Зангиота туманидаги "Ўктам ёшлар" спорт мажмуида катталар ва 1999-2001 йилларда туғилган ёшлар ўртасида спортнинг эркин кураш тури бўйича ўтказилаётган республика чемпионатининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.



Вилоят эркин ва юноним кураши федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада шаҳар ва туманлардан таширф буюрган 100 нафардан ортиқ полвонлар голиблик учун беллашишди.

Ушбу мусобақанинг "Ўктам ёшлар" спорт мажмуида бўлиб ўтгани ҳам бежиз эмас. Бу даргоҳда спорт фахрийси Фулом Умаров бошчилигидаги тажрибали мураббийлардан сабоқ олган кўплаб ёшлар бугунги кунда республика ва халқаро миқёсда ўтказилаётган мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда. Бир неча бор республика чемпионлиги ва халқаро мусобақалар голиблигини қўлга киритган спорт ус-

талари Азим Икромов ва Абдулазиз Собиров, Умар Толипов ҳам шу ерда тарбияланишган. Ҳозирги кунда ушбу спорт мажмуида 250 нафар бола машғулотларда иштирок этмоқда.

Қизгин ва мурасасиз ўтган мусобақада Сойиб Зухриддинов (Зангиота), Сухроб Абдухофизов (Олмалик), Муҳриддин Ҳазратов (Куйи Чирчиқ) ва бошқалар ўз вазн тоифаларида голиб бўлишди. Энди улар чемпионатнинг Бухоро ва Термиз шаҳарларида бўлиб ўтадиган республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА, Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
11 031 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
71 233-55-38
71 233-38-23, 71 233-48-08
71 233-65-59
71 233-54-10

Тошкент вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терийд ва саҳифаланган.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусахҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУҲҶАЕВ